

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ИЖТИМОЙИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИДИР

Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

Аъзамжонов Алимардон Баҳромжон ўғли

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

Қодиров Шоҳруҳ Қойир ўғли.

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий муносабатларнинг таҳлилида ўрта асрлар шарқ мамлакатлари мутафаккирларининг ҳам ўзига хос қарашлари мавжудлиги, шулар орасида Абу Наср Форобийнинг фаолияти маълум ва машҳурлиги, унинг ижтимоий муносабатларни таҳлил этишида диалектик нуқтаи назардан ёндашганлиги таҳлил этилган.

Калим сўзлар: диалектика, шаҳар, жамоа, ҳалқ, бирдамлик, ҳамжисиҳатлик.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется, что мыслители средневековых восточных стран имеют свои взгляды на анализ общественных отношений, среди них известно и популярно творчество Абу Насра Фараби, а его подход к анализу общественных отношений с диалектической анализируется точка зрения.

Ключевые слова: диалектика, город, община, народ, солидарность, солидарность.

ABSTRACT

In the article, it is analyzed that the thinkers of medieval eastern countries have their own views in the analysis of social relations, among them the work of Abu Nasr Farabi is known and popular, and his approach to the analysis of social relations from a dialectical point of view is analyzed.

Key words: dialectic, city, community, people, solidarity, solidarity.

КИРИШ

Ижтимоий муносабатларнинг таҳлилида ўрта асрлар Шарқ мамлакатлари мутафаккирларининг ҳам ўзига хос қарашлари мавжуд. Шу давр, шу минтақа олимлари орасида Абу Наср Форобийнинг фаолияти мавзу доирасида иш олиб борган алломалар ичида анча маълум ва машҳурдир. Аллома, ижтимоий муносабатларни таҳлил этишда диалектик нуқтаи назардан ёндашади. Абу Наср

Форобий «Фозиллар шаҳрининг зидди бўлган шаҳар – жоҳиллар шаҳри»¹ ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Ушбу жоҳиллар шаҳрида фозиллар шаҳридаги барча эзгу амалларнинг мутлоқо тескариси амалга оширилган. Ижтимоий муносабатлар ҳам зиддиятларга тўла бўлган. Барча салбий иллатларга эга одамлар ана шу жоҳиллар шаҳрига йиғилган бўлади². Бироқ, бизнинг назаримизда Абу Наср Форобий бу ўринда кўпчилик аҳолиси қандай хислатга эгалигига қараб шаҳарларга баҳо берган бўлса керак. Масалан, яхшилар кўп бўлган шаҳар фозиллар шаҳри, ёмонлар нисбатан кўп бўлган шаҳарларни жоҳиллар шаҳри деб номланган. Негаки, фозиллар шаҳри 100 фоиз яхшилардан, жоҳиллар шаҳри эса 100 фоиз ёмонлардан ташкил топган бўлиши мумкин эмас.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Азалий қонунларга кўра қаерда яхшилик бўлса, ўша ерда ёмонлик ҳам бўлади, ёки ёмонлик бор жойда яхшилик ҳам мавжуд. Зоро, яхшиликларсиз биргина ёмонликлардан иборат ҳаётдан маъни йўқ. Ўз навбатида, ёмонлик бўлгани учун биз яхшилиknи қадрига етамиз. Яъни, яхшилик ва ёмонлик ёки Абу Наср Форобий ибораси билан айтганда фозиллик ва жоҳиллик бир-бири билан диалектик тарзда боғланган бўлиб, бири бўлмаса бошқаси ўз мазмунини йўқотади. Шунингдек, дунё яралибдики ана шу иккита инсоний ҳислат ўртасида доимий равишда кураш бўлган, бўлмоқда ва бундан кейин бўлади. Абу Наср Форобий ҳам ўзининг қарашларида жамиятда яшовчи инсонларнинг турли хил хислатларга, билимларга ва дунёқарашларга эгалигини таъкидлаб ўтади: «Айрим халқларнинг муайян хилқат ҳақидаги энг машхур тасаввурларида ҳам озми-кўпми тафовут, фарқлар бор. Чунки ҳар бир халқ ўша нарса, ҳодисани ўзича англаб, ўзи акс эттиради»³.

Ижтимоий муносабатлар жуда кенг тушунча бўлиб, ижтимоий воқеликдаги барча нарса-ҳодисалар унинг таркибига киради. Шулардан бири динлараро ва миллатлараро муносабатлар доирасидир. Зотан бу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши жамиятдаги барқарорликнинг гаровидир. Ана шуларни инобатга олган ҳолда мустақил Ўзбекистонимизда диний бағрикенглик, миллатлараро муносабатлар масаласи доимо эътибор

¹ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлининг гносеологик тахлиси. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

² Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

³ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

марказида бўлиб келган⁴. Зеро, диний бағрикенглик ва миллатлараро муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаб беради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасидаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояси – мамлакат тараққиётининг муҳим омили сифатида ҳизмат қилмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда 16 та диний конфессияларга эътиқод қилувчилар ҳамда 130 дан ортиқ миллат вакиллари тинч-осойишта ҳаёт кечиришаётир. «Улар умумий ўйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда»⁵.

Таъкидлаш керакки, динлараро ва миллатлараро муносабатлар масалалари Абу Наср Форобий асарларида ҳам таҳлил этилган. Буюк аллома жамиятда турфа дин ва миллат вакиллари мавжуд бўлишини эътироф этиб, улар биргалиқда мамлакат тараққиёти учун ҳизмат қилишлари мумкинлигини айтади: «...Фазилатли шаҳарнинг турли халқлари ягона (ҳақ-таоло) га ишониб ягона саодат ва ягона мақсадга интилсаларда, уларнинг динлари турлича бўлиши мумкин»⁶. Юқоридаги мулоҳаза Абу Наср Форобийнинг бундан минг йиллар олдин ўз даврига нисбатан илғор ғояни илгари сурганлигини намоён этмоқда. Абу Наср Форобий шу каби яна қўплаб, ижтимоий муносабатлар доирасига оид ўз даврида ҳам долзарб бўлган ҳамда бугунги замонда ҳам аҳамиятини йўқотмаган фикр ва мулоҳазаларни баён этиб қолдирган⁷.

Ижтимоий муносабатларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши бевосита инсонлар жамоаси тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқлик шу билан ифодаланадики, жамоа пайдо бўлмагунча, ижтимоий муносабатлар ҳам бўлмаган. Аввало, жамоа вужудга келган, сўнгра ижтимоий муносабатлар шаклланган. Инсоният тарихидаги энг катта юксалишлардан бири бу жамоа бўлиб яшашни ўрганилганидир. Ўзи аслини олганда «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун қўп нарсаларга муҳтоҷ бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади...Бундай

⁴ Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилад маданият маркази ташкил этилганинг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи. – Тошкент: Халқ сўзи. 2017, 25 январь.

⁶ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁷ Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуклика эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради»⁸. Ушбу хуносага қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, жамоа бўлиб яшаш муҳим ижтимоий кашфиёт сифатида одамларнинг моддий-маиший ва маънавий турмуш тарзини анча юқори даражага кўтарди. Жамоа пайдо бўлиши билан унда яшашни тартибга солиб турадиган ахлоқий, маънавий ва хукуқий тартиб-қоидалар ҳам вужудга кела бошлади. Бу тартиб-қоидалар инсоният ҳаётини тубдан ўзгартирди. Илмий изланишларимизда айтиб ўтганимиздек, барча кишилик жамиятининг якуний мақсади баҳтга эришишdir. Демак, »Инсонлик моҳияти ҳақиқий баҳт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у баҳт-саодатга эришади»⁹.

Барчамизга маълумки, сўнги йилларда жамиятимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштириши керак бўлган «миллий ғоя» атрофида кўп гап-сўзлар бўлди ва бўлаётir. Бизнинг назаримизда, бу ўринда миллий деган иборни қўлламаслигимиз мақсадга мувофиқдир. Унинг ўрнига жамиятимиз ғояси ёки халқимиз ғояси деб номлаш маъқул. Миллий ибораси масала доирасини тор қилиб қўйиши мумкин. Кейин, халқ ғоясини шакллантирад эканмиз, баландпарвоз, мужмал ва тушунарсиз шиорлардан воз кечишимиз зарур. Аксинча, одамларнинг реал орзу-умидларини ифодалайдиган ғояларни излаб топишимиз ва уларни илгари суришимиз шарт. Бу ғоялар кишиларнинг қалбидаги эзгу мақсадларни ўзида мужассамлаштириб, уларни руёбга чиқиши барчани бирдек қаноатлантириши зарурдир. Шу боис, ушбу ғояларни амалга ошириш жараёнида ҳамма инсонлар бир тану-бир жон бўлиб ҳаракат қиласидар. Ҳеч ким шунчаки оддий томошабин сифатида қараб турмайди. Ҳамма ўз фаолиятини ижтимоий муносабатларнинг муҳим элементи сифатида мувофиқлаштириб боради. Ҳамма баҳтли яшашни хоҳлайди. Ҳар ким оиласи, яқинлари даврасида тинч-осойишта, эмин-эркинликда ва тўкин-сочинликда, Аллоҳ ато этган ҳаёт неъматларидан тўлиқ баҳраманд бўлган ҳолда умргузаронлик қилишни истайди. Форобийнинг таъкидлашича, инсоннинг «Баҳтга эришишининг зарурий шарти бу илм-фанни ўрганиш ва назарий билимларни ўзлаштиришdir»¹⁰.

⁸Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

⁹ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўймонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

¹⁰ Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

Бизнинг назаримизда жамиятимизнинг бош ғояси ана шу фикрлар асосида бўлиши шарт. «Одамлар келажакда эмас, бугун яхши яшашни хоҳлайдилар». Яъни, инсонлар ва кишилик жамияти доимо ўзига мақбул йўлни танлаб келган. «Танлов эркинлигининг ирова билан боғлиқлиги шу билан ифодаланадики инсон мумкин қадар яхшироқ бўлган танловни амалга оширади»¹¹. Ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланган инсон олдида доимо танлов имконияти мавжуд бўлган. Система сифатида умумий томондан қаралганда бу жиҳат якка олинган инсон ҳаётидан тортиб токи жамиятгача ва ҳаттоқи бутун башариятга дахлдордир. Ҳеч бир системанинг тараққиёт йўли бир текис эмас. Системанинг тараққиёт йўли муайян нукталардан бошланиб, янги нукталаргача давом этувчи маълум бир цикллардан иборат.

ХУЛОСА

Маънавият соҳасини ривожлантириш осон эмас. Бу жуда нозик соҳа. Нозиклиги шундаки, инсоннинг ички дунёси, унинг қалби билан боғлиқдир. Инсоннинг ички дунёсини унинг қалбини чора-тадбирлар билан ўзгартириб бўлмайди, қонунлар ва қарорлар билан ҳис-туйғуларни, рухиятни шакллантириб бўлмайди. Буларни ўзгартириш, шакллантириш, ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ. Демак, бу жараёнларни тушуниши, ўзини ижобий томонга ўзгартириши учун инсонга қанақадир бошқача йўллар билан таъсир ўтказиш йўлларини излаб топиш ҳақида бош қотиришимиз зарур¹².

Ижтимоий муносабатлар доирасида, ҳалқ – барча нарсанинг манбаидир. Ижтимоий муносабатлар вужудга келиб, жамият пайдо бўлибди, унда яшайдиган одамларнинг турли-туман тоифалари, табақалари, гурухлари мавжуд келмоқда. тартиб-қоидалар ҳамманинг манфаати учун хизмат қилган. Лекин, тоифалар ва табақалар ўз-ўзидан бир-бiri билан келишиб, тинч-тотув яшаб кетаверишмаган. Уларни келиштириш, баҳамжихат бўлиб яшashi юқоридан, ҳукмрон табақа вакиллари, яъни давлат бошликлари томонидан таъминлаши мумкин. Тарихга номлари зарҳал харфлар билан ёзиб қолдирилган қайсики давлатни мисол тариқасида олиб қарамайлик, уларнинг ҳаммасида бирлик ғояси кучли бўлган.

¹¹ Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўймонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

¹² Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишиланган учрашувдаги нутқи. – Тошкент: Халқ сўзи. 2017, 25 январь.
2. Лутфуллаевич, С. Б. (2020). Философская роль диалектических категорий в жизни человека. *Историческая психология и социология истории*, 13(1), 111-119.
3. Salimov, B. L. (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 178-182.
4. Салимов, Б. Л., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 1345-1354.
5. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.